

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПОНАСЕНКО АНДРЕЙ СВЯТОСЛАВОВИЧ

**ҚОВОҚНИ КОНВЕКТИВ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИ ВА ҚУРИЛМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Понасенко Андрей Святославович

Қовоқни конвектив қуритиш жараёни ва қурилмасини такомиллаштириш3

Понасенко Андрей Святославович

Совершенствование конвективной установки и процесса сушки тыквы21

Panasenka Andrei

Improving convective equipment and pumpkin drying process39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПОНАСЕНКО АНДРЕЙ СВЯТОСЛАВОВИЧ

**ҚОВОҚНИ КОНВЕКТИВ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИ ВА ҚУРИЛМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озик-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Т3840 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Жасур Эсирганович

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маннанов Улугбек Васикович

техника фанлари доктори, профессор

Курбанов Жамшед Мажидович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фаргона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «12 03» 2024 йил соат «17:00» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 772 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2024 йил «2» 03 кун тарқатилди.
(2024 йил «2» 03 даги №412 рақамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

Х.И.Қодиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д., доцент

К.П.Серкаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда глобал миқёсда кузатилаётган экологик ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда. Дунё аҳолисининг тобора ортиб бориши мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келмоқда. Шу аснода озиқ-овқат маҳсулотларини қуритишнинг техник воситалари ва технологияларини такомиллаштириш орқали юқори сифатли ҳамда функционал маҳсулот олишга қаратилган қуритиш усулларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда иссиқлик оқимидан фойдаланган ҳолда қуритиш техникаси ва технологиясини оптималлаштириш устида бутун дунё бўйлаб кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, энергия тежамкор қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш, маҳсулот таркибидаги биофаол моддаларни сақлаган ҳолда қуритиш жараёнларини математик моделлаштириш, хомашёни қуритиш усулларини ўрганиш орқали юқори сифатли маҳсулот олиш, маҳсулотларнинг иссиқликка таъсирчанлигини ҳисобга оладиган иссиқлик алмашилиш жараёнларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатини самарали ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат ва фармацевтик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзилмавий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини изчил ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза ҳамда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, конвектив қуритиш жараёнининг самарадорлиги, қуритиш вақтини қисқартириш ва энергия сарфини камайтириш, диффузия ва иссиқлик ўтказувчанлиги ўртасидаги боғлиқликнинг математик моделларини ўрганиш, қуритиш жараёнида иссиқлик ва намликни ўтказиш, қуритиш ва иссиқлик ўтказувчанлигини ошириш, сифатли қуритилган маҳсулот олиш учун оптималлаштирилган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»¹ги ПФ-60-сонли Фармони, 2019-йил 23-октябрдаги «2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-5853-сонли қарори, 2019-йил 29-июлдаги «Қишлоқ хўжалигини чуқур қайта ишлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

¹Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Адабиётларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, олимлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шу жумладан қовоқни қуритиш қурилмалари ва қуритиш жараёнини моделлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар қуйидаги хорижий олимлар томонидан олиб борилган: Г.А.Химич, И.В.Ерин, С.Б.Попова, А.Я.Хлебородов, И.Б.Развязная, Л.Хлеборобов, А.С.Данилюк, Р.М.П.Гутиеррез, С.А.Соле, А.Жунгбауер, К.Сасилик, И.Доймаз, А.Мидилли, М.Ж.Барросалар, А.В.Лыков, А.С.Гинзбург, В.В.Кафаров, Б.С.Сажин, П.А.Ребиндер, Б.М.Касымбаев, О.С.Натареев, А.В.Нестеров, П.Д.Лебедев, С.Г.Ильясов, И.Б.Левитин, шунингдек маҳаллий олимлардан: Н.Р.Юсупбеков, З.С.Салимов, А.Ф.Сафаров, Ж.М.Қурбонов, А.А.Ортиқов, Х.С.Нурмухамедов, К.О.Додаев, К.Т.Норқулова, Х.Ф.Жўраев ва бошқалар озик-овқат маҳсулотлари жараёнлари ва жиҳозларини такомиллаштириш бўйича самарали тадқиқотлар олиб бордишган ва самарали технологиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамияти олимлари қуритиш технологиялари ва ускуналарини такомиллаштириш, қуритиш технологияларини математик моделлаштириш, маҳсулотлар таркибидаги биофаол моддаларнинг сақлаган ҳолда қуритиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича устувор йўналишларда фаол изланишлар олиб бормоқда. Бироқ қовоқ маҳсулотини конвектив қуритиш технологиясида диффузия жараёнини математик моделлаштириш йўли билан энергия тежамкор қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш етарли даражада амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ IL-5421101760 – «Қуритиш технологиясида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнини бошқариш орқали озик-овқат ва фармацевтика маҳсулотлари таркибидаги биофаол моддаларни сақлаб қолишнинг назарий усулларини ривожлантириш» (2023-2027 йй.) фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қовоқ маҳсулотини конвектив қуритиш жараёни ва қурилмасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каттик жисмдан сувнинг иссиқ ҳаво оқимларига буғланиши даврида импульс, энергия ва массанинг бир вақтнинг ўзида ўтиш жараёнларини тадқиқ этиш;

қовоқни қуритиш учун мақбул параметрларни аниқлаш ҳамда математик таҳлил ёрдамида қуритиш ҳавосининг тезлиги, ҳарорат ва намликдан фойдаланиб, қуритиш мосламасининг оптимал параметрларини ҳисоблаш;

қовоқни қуритиш жараёнида иссиқлик оқимининг математик моделини ишлаб чиқиш ҳамда турли хил ҳаво оқимининг тезлиги ва ҳароратнинг таъсирини тадқиқ этиш;

қовоқни қуритиш жараёни учун ҳаво оқимининг ҳарорати ва самарали диффузия коэффициентлари параметрларини асослаш ҳамда ҳар бир параметрлар (тезлик, ҳарорат ва намлик) учун қуритиш жараёнини тавсифловчи мақбул моделларни танлаш;

қовоқни юқори сифатли қуритиш учун энергия тежамкор конвектив қуритиш қурилмасини тасмиллаштириш ва тадқиқоти давомида олинган натижаларни саноатга тадбиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида қовоқ маҳсулотини, «Sunny Land Products» МЧЖдаги мавжуд қуритиш техника ва технологиялари олинган.

Тадқиқотнинг предметини қуритиш жараёнига хос қонуниятлар, конвектив қуритиш қурилмасининг техника ва технологияси, жараёни моделлаштириш, қуритиш тезлиги ва бошқа режим параметрлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда мураккаб техник ва технологик тизимларни синтез ва тизимли таҳлил қилиш методологияси, ҳамда кимёвий ва озик-овқат технологиясининг назарий асослари, кимёвий технологиялар ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари, кимёвий технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни математик моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қовоқни қуритиш учун мақбул параметрлар аниқланган ҳамда Мидилли модели бўйича ҳар бир параметр (тезлик, ҳарорат ва намлик) учун қовоқни қуритишнинг оптимал модели ишлаб чиқилган;

самарали диффузия коэффициентини ҳаво ҳарорати 45, 55 ва 65 °С бўлган қийматларда ҳаво оқими тезликлари мос равишда эканлиги аниқланган;

қуритиш ҳарорати 65 °С учун детерминация коэффициентининг қиймати R^2 аниқланган, стандарт хатоликнинг χ^2 қиймати Мидилли моделига мос равишда 0,99, ва 0,0001 қийматлар аниқланган;

назарий ва тажриба тадқиқотларнинг регрессион таҳлилинини намлик миқдори бўйича маҳсулотни қисқариш самарадорлик қийматлари натижасида Мидилли модели мос эканлиги аниқланган;

қуритиш жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида муқобил энергиядан фойдаланган ҳолда ишлайдиган энергия тежамкор конвектив қуритиш қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қовоқни қуритиш жараёни учун 65 °С ҳароратда энталпия, энтропия ва эксергия самарадорлиги ҳисобланган ҳамда олинган натижалар MatLAB дастури ёрдамида қайта ишланган;

қовоқни қуритиш жараёни учун Мидилли модели бошқа моделлар орасида энг мос модел эканлигини ва тажриба натижаларига энг яқин намлик қийматлари олинган;

қовоқни қуритиш учун мақбул параметрлар қуйидагилар эканлиги аниқланган: қуритиш вақти - 360 минут, қуритиш ҳарорати - 65 °С, ҳаво тезлиги - 1 м/с, геометрик шакли - квадрат, дастлабки намлик - 72%, якуний намлик - 12-14%;

ҳисоблаш натижалари асосида 45, 55 ва 65 °C бўлган турли ҳароратлар учун ўртача қуритиш тезлигига мос равишда 0,0031, 0,004966 ва 0,0061 г сув/г бўлган натижалар аниқланган;

қовоқни сифатли қуритиш самарадорлигини ошириш ҳамда муқобил энергиядан фойдаланган ҳолда ишлайдиган энергия тежамкор конвектив қурилма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усул ва воситалар ёрдамида олиб борилган назарий ҳамда тажриба тадқиқотлар натижалари Windows операцион муҳити ёрдамида замонавий MatLAB, Microsoft Excel дастурлари ёрдамида амалга оширилганлиги, ҳамда лабораторияда олинган натижалар ҳамда ўтказилган тадқиқотлар асосида такомиллаштирилган қуритиш қурилмасининг саноат синовлари натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, моделлаштириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, қуритиш жараёнини тавсифловчи қурилманинг оптимал энергия тежамкор лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда қовоқни қуритиш жараёнида иссиқлик оқими тенг тақсимланади. Қовоқнинг 65 °C ҳароратда энталпия, энтропия, эксергия ва эксергия самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган ва натижалар Matlab дастури ёрдамида қайта ишланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қуритиш хусусиятларига турли параметрларнинг таъсири, яъни 0,5, 0,7, 1,0 м/с бўлган уч хил иссиқлик оқими тезликларида турли 45, 55 ва 65 °C ҳароратларда қуритишнинг ўртача тезлиги 0,0031, 0,004966 ва 0,0061 г сув/г аниқланганлиги, қуритиш технологияси ва қурилмани такомиллаштирилганлиги, маҳсулотлар таркибининг яхшилаш орқали озиқ-овқат саноатида фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қовоқни конвектив қуритиш жараёнини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қовоқни қуритиш учун энергия тежамкор технология “Sunny Land Products” МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №17-98/11-23-сон маълумотномаси). Натижада, юқори самарали технологияни қўллаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш 1,1 баробар ошиб, хомашё йўқотилиши 9%га камайтириш имконини берган;

қовоқни қуритиш жараёни учун аниқланган оптимал параметрлар “Sunny Land Products” МЧЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №17-98/11-23-сон маълумотномаси). Натижада, бу юқори самарали усулдан фойдаланган ҳолда яқуний маҳсулотнинг 90-95% биологик фаол моддаларини сақлаш имконини берган;

қовоқни қуритиш учун такомиллаштирилган конвектив қуритиш қурилмаси ва технологияси “Sunny Land Products” МЧЖ да амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №17-98/11-23-сон маълумотномаси). Натижада, конвектив усулдан фойдаланган ҳолда юқори самарали энергия тежамкор қуритиш қурилмасининг жорий этилиши ва конструкциянинг мақбул танлови туфайли мавжуд технология ва қурилмаларга нисбатан 1,4 баробар кам энергия сарфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан, 9 та илмий мақола, булардан 3 та халқаро журналларда, 6 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 5 та иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 118 бетни ташкил этиб, унда 43 та расм ва 42 та жадваллар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, шунингдек, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тегишлилиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг ишончлилиги, ҳамда ушбу тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Қовокни қуритиш учун конвектив қуритиш қурилмасининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»** номли биринчи бобида маҳаллий хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган. Мавжуд жараён ва аппаратлар, сифатли қайта ишлаш, қуритиш қурилмасида содир бўладиган жараёнларни математик моделлаштириш, қуритиш қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича илмий адабиётларда таҳлилий шарҳ ўтказилган.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган қуритиш қурилмаларини ҳозирги кундаги ҳолатини баҳолаган ҳолда, қовокни қуритишнинг саноат усуллариини такомиллаштириш лозим деган хулосага келинди. Ушбу бобда мавжуд материалларни таҳлил қилиш асосида ишнинг асосий мақсадлари ва вазифалари белгиланган.

Диссертация ишининг **«Иссиқ ҳаво оқимида масса мувозанатини тадқиқ қилиш»** номли иккинчи бобида иссиқ ҳаво оқимида масса мувозанатини тадқиқ қилиш орқали олинган натижалари келтирилган.

Ушбу бобда қаттиқ жисмдан сувнинг иссиқ ҳаво оқимларига буғланиши даврида импульс, энергия ва массанинг бир вақтнинг ўзида ўтказилишини ўрганишга қаратилган изланишлар келтирилган. Масса мувозанати, энталпия, энтропия, эксергия ва эксергия самарадорлиги қаттиқ моддадан чиқаётган намликнинг массаси ва оқим тезлиги, умуман олганда, ажраладиган намлик ва ҳавонинг оқим тезлиги конвектив қуритиш жараёнида иссиқ ҳаво оқимидаги намликни ҳисоблаш учун зарур бўлган дастлабки ва якуний маълумотлар сифатида олинди.

Энталпияни ҳисоблаш. Энталпия – иссиқлик динамик жараён бўлиб, унинг ўзгариши иссиқлик динамик тизим томонидан ютилган ёки ажралиб чиқадиган энергия миқдорини, яъни тизимнинг атроф-муҳит билан алмашинадиган энергия миқдорини ифодалайди (1-расм).



1-расм. Энталпия кириши ва чиқиши ифодаланган қурилма схемаси

2-расм. Энтропия кириши ва чиқиши ифодаланган қурилма схемаси

3-расм. Эксергия кириши ва чиқиши ифодаланган қурилма схемаси

Умумий энталпия қуйидаги тенгламалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\Delta H = m C_p \Delta T \quad (1)$$

$$\Delta \dot{H} = \dot{m} C_p \Delta T \quad (2)$$

бу ерда, H - энталпия, $кДж$; \dot{H} - энталпия оқими, $кДж$; C_p - доимий босимдаги солиштирма иссиқлик сифими, $кДж/кг \text{ } ^\circ C$; T -температура, $^\circ C$.

Энтропияни ҳисоблаш. Энтропия – бу мувозанатдаги иссиқлик динамик тизимнинг ҳарорати қўтарилганда ички энергиянинг ошиши учун мувозанатнинг макроҳолатига мос келадиган микроҳолатлар сонини ўлчайдиган физик катталиқдир (2-расм).

Энтропия тенгламалари:

$$\Delta S = m C_p \ln \frac{T_o}{T_i} \quad (3)$$

$$\Delta \dot{S} = \dot{m} C_p \ln \frac{T_o}{T_i}, \quad (4)$$

бу ерда, S - энтропия, $кВт$; m -масса, $кг$; C_p - доимий босимдаги солиштирма иссиқлик сифими, $кДж/кг \text{ } ^\circ C$; \ln - натурал логорифм; T - ҳарорат, $^\circ C$.

Эксергияни ҳисоблаш. Эксергия – бу тизим ва унинг муҳити ўртасидаги ўз-ўзидан ўзаро таъсир қилиш орқали эришиш мумкин бўлган маълум миқдордаги энергиянинг фойдали иш потенциалини аниқлашга имкон берувчи иссиқлик динамик хусусиятидир. Иш манбаи тизимнинг потенциал фойдалилигини билдиради (3-расм).

Эксергияни ҳисоблаш тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$E_x = H - H_0 - T_0(S - S_0), \quad (5)$$


бу ерда, E_x - эксергия, $кВт$; H - энтальпия, $кДж$; S - энтропия, $кВт$; T - ҳарорат, $^\circ C$.

$$\psi = \frac{\dot{m}_{ag_{ev}}*(Ex_{ev}-Ex_{ev_0})}{\dot{m}_{a_i}*Ex_{a_i}} \quad (6)$$

бу ерда, ψ - эксергия самарадорлиги; \dot{m} - масса сарфи, $г/мин$; a - ҳаво; i - кириш.

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш учун иссиқ ҳаво оқимини ҳисоблашда қуритиш жараёнларини таҳлил қилишга ҳамда зарур маълумотларни олиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Қуйида, қурилманинг хусусиятлари, тадқиқот босқичлари ва унинг тажриба режаси батафсил ёритилган.

Мазкур қурилма тажриба шароитларни назорат қилиш ва маълумотларни йиғиш имконини берувчи конвектив қуритиш қурилмаси бўлиб, 4-расмда схематик тузилиши ифодаланган.




1-камера; 2-ҳаво кириш жойи; 3-ҳаво чиқиш жойи; 4-назорат-ўлчаш асбоблари ва автомат; 5-иссиқлик оқимини йўналтириш мосламаси; 6-маҳсулот.

4-расм. Лаборатория конвектив қуритиш қурилмасининг схемаси.

Тажрибалар натижасида олинган маълумотлар MatLAB дастурида қайта ишланган. Ушбу дастур Excel маълумотларини (намуналар массасининг вақтга боғлиқлиги маълумотлари) импорт қилиш вазифасини бажаради. Тенгламалар ёрдамида қовоқнинг $65\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратда энталпия, энтропия, эксергия ва эксергия самарадорлиги ҳисобланган.


Қовоқ энталпиясининг ўзгариши унинг максимал қийматига эришиш учун зарур бўлган вақтни ва эгри чизиқнинг хусусиятларини аниқлаш учун ўлчанди. Иссиқ ҳаво оқими орқали қаттиқ жисмга ўтказиладиган бу энергия миқдори намликни буғлатиш учун зарур ҳисобланади. 5-расмда мос равишда қовоқ учун кириш ва чиқиш энталпиясининг вақтга боғлиқлиги кўрсатилган.



5-расм. $65\text{ }^{\circ}\text{C}$ ва $1,0\text{ м/с}$ да қовоқнинг H – энталпияси.


5-расмда ифодаланган графикга кўра қовоқнинг энталпияси вақт ўтиши билан ҳарорат ошишини кўриш мумкин. Мос равишда 75 дақиқа ва 40 дақиқагача бўлган вақт оралиғида қовоқнинг иккала намуналаридаги чиқиш энталпияси кириш қийматига жуда яқин келади ва жараён охиригача доимий бўлиб қолади. Бу нисбат тизимдаги умумий энталпиянинг камайиши ёки бошқача қилиб айтганда, иссиқ ҳаво оқимининг қуритилаётган маҳсулот томон самарали иссиқлик ўтказувчанлигининг пасайиши билан боғлиқ.

6-расмда энтропиянинг вақтга боғлиқлиги ифодаланган бўлиб, бунда унинг ҳаракати вақт бўйича энталпиянинг ўзгаришига ўхшашлигини кўриш мумкин. Жараён ичидаги тартибсизлик даражасини ҳамда фойдали энергияни ўлчаш учун энтропия ҳисобланади. Ушбу қиймат ва энталпия орқали тизимнинг эксергияси ҳисобланади.



6-расм. 65 °C
ҳароратда қовоқнинг
S – энтропияси

Сўнгра, E_x нинг вақтга боғлиқ ўзгариши ҳисоблаб чиқилади. Эксергияни ҳисоблаш вақт ўтиши билан энергия сифатини ва максимал эксергияга (максимал энергия сифати) эришилган моментни кўрсатади. 7-расмдаги кўрсаткичга мос келадиган эксергия ҳисоби (5) тенгламага мувофиқ, қовоқнинг энталпияси учун 5-расмда ва энтропияси учун 6-расмда келтирилган кўрсаткичларга тўғридан-тўғри боғлиқдир.



7-расм. 65 °C ҳароратда вақтга
нисбатан E_x -эксергияси

Диссертация ишининг «Қовоқни қуритиш жараёнини математик моделлаштириш» номли учинчи бобида конвектив усул ёрдамида қовоқни қуритиш жараёнини математик моделлаштириш натижалари келтирилган.

Самарали диффузия коэффициенти цилиндрсимон шакл учун ишлаб чиқилган Фикнинг диффузия қонуни ёрдамида ҳисобланган. Амалдаги ифода доимий диффузия коэффицентини ва диффузия орқали намлик ўтказишини назарда тутди. Самарали диффузия коэффицентини (7) тенглама ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

$$W_{\text{бв}} = \frac{W_t - W_e}{W_i - W_e} = \frac{8r^2}{l^2} \sum_{i=1}^{\infty} \sum_{j=1}^{\infty} \exp\left(-(\lambda_i^2 + \beta_j^2) \frac{D_{\text{эфф}} \cdot t}{r^2}\right) \quad (7)$$

бу ерда, $D_{\text{эфф}}$ - самарали диффузия коэффицентини, m^2/c , r -радиус; l -характерли узунлик, m ; t - қуритиш вақти, c ; λ_i - Бессел функциясининг илдизи.

$$\beta_j = \frac{(2j-1)\pi r}{2l} \quad j = 1, 2, 3 \quad (8)$$

Узоқ муддат қуритиш учун фақат тенгламанинг биринчи қисмидан фойдаланиш мумкин:

$$W_{\text{бв}} = \frac{W_t - W_e}{W_i - W_e} = \frac{32}{\lambda_1^2 \pi^2} \exp\left(-(\lambda_1^2 + \beta_j^2) \frac{D_{\text{эфф}} \cdot t}{r^2}\right) \quad (9)$$

$$\ln(W_{\text{бв}}) = \ln\left(\frac{32}{\lambda_1^2 \pi^2}\right) - \left(-(\lambda_1^2 + \beta_j^2) \frac{D_{\text{эфф}} \cdot t}{r^2}\right) \quad (10)$$

Самарали диффузия коэффициентлари экспериментал тадқиқот натижасида олинган $\ln(W_{\text{бв}})$ ҳамда қуритиш вақтининг эгри чизиғидан олинади. Қиялик қиймати (11) тенгламада кўрсатилганидек, қуритиш вақтига қараб (10) тенгламада берилган $\ln(W_{\text{бв}})$ қийматларининг ўзгариши графиги бўйича ҳисобланади.

$$\text{Қиялик} = \frac{(5.7831 + \beta_1^2 D_{\text{эфф.}})}{r^2} \quad (11)$$

Қиялик усули ёрдамида самарали диффузия коэффициентлари ҳисоблаб чиқилган. Тажрибада турли ҳароратлар учун олинган маълумотларни текшириш ва энг мос моделни танлаш учун турли хил қуритиш моделлари билан таққосланган. Бунинг учун адабиётларда қўлланиладиган юпқа қатламли қуритишнинг 5 хил экспериментал, квазэкспериментал ва назарий моделларидан фойдаланилди. Буларга Льюис модели, Хендерсон ва Папис модели, Икки қисмли модел, Ванг ва Сингх модели ҳамда Мидилли моделлари танлаб олинган (1-жадвал). Статистик ҳисоблар Статистика 6.0 дастури ёрдамида қайта ишланган. Қуритиш коэффициентлари (a , b , k , k_0 , k_1 , n) ва модел ифодаларининг детерминация коэффициенти (R^2), стандарт хато ($CO-C_{co}$) ҳамда хи-квадрати (χ^2) каби статистик параметрлари ҳисоблаб чиқилган.

$$C_{co} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^N (W_{\text{бвтажриба}} - W_{\text{бвҳисоб}})^2}{N-z}} \quad (12)$$

$$\chi^2 = \frac{\sum_{i=1}^N (W_{\text{бвтажриба}} - W_{\text{бвҳисоб}})^2}{N-z} \quad (13)$$

бу ерда, $W_{\text{бвтажриба}}$ ва $W_{\text{бвҳисоб}}$ тажрибалар натижасида олинган ва дастур ёрдамида ҳисобланган ўлчамсиз намлик коэффициенти; N -тажрибада вақтга боғлиқ маълумотлар миқдори; z -коэффициентлар сони.

1-жадвал

Қуритиш жараёни моделларининг константалари ва коэффициентлари

№	Модел номлари	Тенглама
1	Льюис	$W = \exp(-kt)$
2	Хендерсон и Папис	$W = a \exp(-kt)$
3	Икки қисмли модель	$W = a \exp(-k_0 t) + b \exp(-k_1 t)$
4	Ванг и Сингх	$W = 1 + at + bt^2$
5	Мидилли	$W = a \exp(-kt^n) + bt$

бу ерда: W -намлик коэффициенти; k , k_0 , k_1 -қуритиш доимийси; b -коэффициентлар; n -қуритиш доимийси.

Натижалар чизикли бўлмаган регрессия таҳлилини ўтказиш орқали солиштирилди. Бунинг учун детерминация коэффициенти (R^2), стандарт хатолик (CO) ва χ^2 ифодаси ҳисоблаб чиқилган. 65 ° C ҳароратда тажриба натижаларига энг яқин қийматлар Мидилли модели асосида олинган. Сўнгра, ҳар бир ҳаво ҳарорати учун самарали диффузия коэффициентлари ҳисобланиб, уларнинг ўзгаришларини ҳароратга боғлиқ ҳолда тасвирланган. Ҳаво ҳароратининг ошиши самарали диффузия коэффициенти учун мақбул параметр эканлиги кузатилди. Назарий таҳлил ва тажриба тадқиқотлардан олинган натижалар таққосланди ҳамда намлик ва ҳарорат қийматлари ўртасида юқори мутаносиблик топилди.



№1-квадрат шакл



№2-тўғрибурчакли шакл



№3-цилиндрик шакл



№4-квадрат шакл



№5-тўғрибурчакли шакл



№6-цилиндрик шакл


№1, №2, №3 – қуритишдан олдин; №4, №5, №6 – қуритишдан кейин;

8-расм. Турли шаклдаги қовоқ бўлаклари


Қуритиш жараёни учун $45 \pm 0,3^\circ\text{C}$, $55 \pm 0,3^\circ\text{C}$ ва $65 \pm 0,3^\circ\text{C}$ ҳароратларда ҳамда 0,5, 0,7, 1,0 м/с бўлган ҳаво тезликларда ўтказилди (8-расм). Аввал қовоқ бўлақларга кесилиб, тагликларга 1 см қалинликларда жойлаштириб чиқилди. Ушбу амал бажарилгандан сўнг таглик қурилмага жойлаштирилди. Тажриба давомида 0,05 г сезгирликдаги рақамли тарозилар ёрдамида маҳсулот массасининг ўзгариши даврий равишда қайд этиб борилди. Тажриба натижалари 3 мартадан такрорланди.

Олинган лаборатория натижаларига кўра қуритиш вақти - 360 минут, қуритиш ҳарорати - 65°C , ҳаво тезлиги - 1 м/с, намуналарнинг квадрат шаклида, бошланғич намлик - 72%, охириги намлик - 12-14% бўлган оптимал параметрларда қуритилган қовоқ таркибидаги калий миқдори 0,93 мг/% ни ташкил қилади.

9-расмда вақтга боғлиқ ҳолда ўлчовсиз намлик коэффицентининг ўзгариши графиги натижалари кўрсатилган. 9а-расмда намлиги 72% бўлган 3 хил маҳсулот учун 360 дақиқа қуритиш натижалари кўрсатилган.




А



Б


9-расм. Уч хил ҳароратларда қуритиш жараёни: А-намликнинг ўзгариши, %; Б-ўлчовсиз намлик коэффицентини (намлик миқдори)

Тажрибалар ўтказиш давомида қовоқ бўлақлари марказида вақт ўтиши билан ҳароратнинг ўзгариши ўлчаб борилди. Ўлчов натижалари 10-расмда келтирилган.



10-расм. Қовоқ бўлаклари ҳароратининг ўзгариши

11-расмда 45, 55 ва 65 °C ҳароратларда олинган турли моделлар ва тажрибалар учун вақт ўтиши билан ўлчамсиз намлик коэффицентларининг ўзгариши кўрсатилган. Расмда экспериментал маълумотлар эгри чизиғи регрессия таҳлили натижасида энг мос модел бўлган Мидилли моделининг намлик коэффицентининг ўлчамсиз қийматларини ўз ичига олганлигини ифодалайди.



11-расм. Вақтга боғлиқ ҳолда 65 °C ҳароратда турли моделлар ва тажрибалар учун ўлчамсиз намлик коэффицентининг ўзгариши

1-жадвалда келтирилган қуритишнинг турли моделлари учун регрессия таҳлили ўтказилди. Олинган коэффицентлар a , b , k , k_0 , k_1 , n , R^2 , CO ва χ^2 қийматлари 2-жадвалда жамланган.

2-жадвал


45, 55 ва 65 °C ҳароратлар учун олинган статистик параметрлар ва коэффицентларнинг қийматлари

Модел	45 °C			55 °C			65 °C		
	Константа	ва коэффицентлар		Константа	ва коэффицентлар		Константа	ва коэффицентлар	
	R^2	CO	χ^2	R^2	CO	χ^2	R^2	CO	χ^2
1	0,94	0,0315	0,001	0,98	0,0274	0,0008	0,99	0,0171	0,0003
2	0,97	0,0223	0,0005	0,99	0,0213	0,0005	0,99	0,0137	0,0002
3	0,99	0,0021	0,002	0,99	0,0047	0,006	0,99	0,0084	0,0003
4	0,99	0,0119	0,0001	0,99	0,0160	0,0003	0,99	0,0224	0,0005
5	0,99	0,0029	0,003	0,99	0,0041	0,002	0,99	0,0038	0,0001
1	k=0,0018			k=0,035			k=0,0049		
2	k=0,0016	a=0,95		k=0,0033	a=0,95		k=0,0047	a=0,97	
3	a=0,14	b=0,85		a=0,17	b=0,82		a=0,94	b=0,05	

	$k_0=0,0157$	$k_1=0,0011$	$k_0=0,0162$	$k_1=0,0027$	$k_0=0,0046$	$k_1=0,121$
4	$a=-0,0020$	$b=2,47 \times 10^{-6}$	$a=-0,0033$	$b=4,31 \times 10^{-6}$	$a=-0,0039$	$b=4,82 \times 10^{-6}$
5	$a=1,0$	$b=0,0002$	$a=1,00$	$b=8,07 \times 10^{-6}$	$a=1,0$	$b=0,0003$
	$n=0,77$	$k=0,0071$	$n=0,85$	$k=0,0083$	$n=0,78$	$k=0,0175$

45 °C ҳарорат учун R^2 , CO ва χ^2 қийматлари Мидилли моделида мос равишда 0,99, ва 0,003 деб ҳисобланган. R^2 , CO ва χ^2 қийматлари 55 °C ҳарорат учун Мидилли моделида мос равишда 0,99, ва 0,002 деб ҳисобланган. 65 °C ҳарорат учун R^2 , CO ва χ^2 қийматлари Мидилли моделида мос равишда 0,99, ва 0,0001 деб ҳисобланган. Ушбу натижаларга асосланиб, Мидилли модели бошқа моделлар орасида энг мос модел эканлигини ва тажриба маълумотларга энг яқин ҳисобланган намлик қийматларини беришини айтиш мумкин.

Модель тажрибалар ва рақамли моделлаштиришлар натижасида олинган намлик ҳамда ҳарорат қийматларини солиштириш орқали тасдиқланган. 12-расмда тажриба натижасида олинган намлик кўрсаткичлари қуриштириш ҳавосининг турли ҳароратлари учун таҳлил натижасида олинган ўртача намлик қийматлари билан таққосланди.




12-расм. Қуриштириш жараёнида маҳсулот намлигининг вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариши: а) 45 °C, б) 55 °C, в) 65 °C


Тажриба ва назарий олинган маълумотлар бир-бири билан таққосланди ва натижалар ўзаро мос келиши аниқланди. Ушбу натижага кўра, қуриштириш давомида маҳсулотдаги намлик ва ҳароратнинг тақсимланишини тахмин қилиш учун бир вақтнинг ўзида иссиқлик ҳамда масса алмашинувини ифодаловчи математик моделдан фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг «Қовоқни қуритиш бўйича тадқиқот натижалари» номли тўртинчи бобида тажриба тадқиқот натижалари ва қуритиш қурилмасининг лойиҳаси келтирилган.

13-расмда ўлчамсиз намлик коэффициентининг ўзгариши, қуритиш вақти ва қуритиш ҳавосининг турли тезликлари ўртасидаги боғлиқлиги келтирилган. 14-расмда қуритиш ҳавосининг турли тезликларда маҳсулот ички ҳарорати вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариши ифодаланган. Бунда ҳавонинг тезлиги ортиб борган сари, вақт ўтиши билан маҳсулот марказидаги ҳарорат ортади ҳамда намлик миқдори камайиши кузатилди.




13-расм. Қуритиш ҳавосининг турли тезликларида вақтга боғлиқ ҳолда ўлчамсиз намлик коэффициентининг ўзгариши




14-расм. Қуритиш ҳавосининг турли тезликларида вақтга боғлиқ ҳолда маҳсулотнинг ички ҳароратини ўзгариши


15-расмда турли тезликларда уч хил геометрик шаклларни қуритиш вақтида ҳисобланган намликнинг вақтинчалик ўзгаришлари кўрсатилган. Қуритиш ҳавосининг тезлигини ошириш ҳар уч ҳолатда ҳам қуритиш вақтини қисқартиришига олиб келади. Тезлик ошгани сари қуритиш жараёни қисқа вақт ичида амалга ошади. Квадрат шаклидаги қовоқ бўлаклари цилиндрсимон ва тўғрибурчакли шаклдаги маҳсулотларга нисбатан қисқа вақт ичида қуриши аниқланди.



а




б




В

15-расм. 65 °С ҳароратда ва турли ҳаво тезликларида ҳар хил шаклдаги маҳсулотларнинг намлик профиллари: а-тўғрибурчакли шакл; б-цилиндрсимон шакл; в-квадрат шакл.


Қовоқнинг тўртбурчак шаклида 1 м/с қуритиш ҳаво тезлиги бўлганда, 6 соат давомида намлик миқдори 1,6 (г сув/г куруқ модда) ни ташкил этди.




а)




б)



в)



д)



1-каркас; 2-эшик; 3-вентилятор; 4-газ ёқиш мосламаси; 5-иссиқлик ташувчи; 6-камерадаги ҳароратни аниқлаш учун датчиклар; 7-қулф; 8-аравача; 9-зангламайдиган тўрли таглик; 10-ғилдирак; 11-форсунка; 12-газ таъминотини бошқариш учун вентил; 13-юқоридаги вентиляторлар; 14-эгзоз қувурлари; 15-хомашё; 16-циркуляция учун вентилятор; 17-иситиш қозони.

16-расм. Конвектив қуритиш қурилмасининг принцинал схемаси: а-асосий кўриниш; б-олд кўриниш; в-ён томони кўриниши; г-юқоридан иссиқлик қувурларини жойлаштирилиш схемаси; д-эгзоз қувурларининг жойлаштирилиш схемаси

Қурилманинг ишлаш принципи қуйидагича: аравачага 8 тозаланган ва қуритиш учун тайёрланган хомашёга 15 зангламайдиган тўрли тагликларга 9 жойлаштирилади. Эшиклар 2 очиқ ҳолатда хомашё юкланган аравачалар 8 конвектив қуритиш камерасига 1 юкланади. Қурилма кулф 7 билан маҳкам ёпилади. Газ ёқиш мосламаси 4 ишга туширилади, бунда иссиқ ҳаво газ таъминотини бошқариш учун вентил 12 орқали ўтади ҳамда форсункадан 11 иссиқлик ташувчи қувурлар 5 орқали камера майдонига тақсимланади. Шу тарзда ички камера ва қуритиш учун мўлжалланган хомашёга иссиқлик таъсир этади. Хомашё таркибидан ажралиб чиққан ва тўпланган буғ вентиляторлар 3 ва 13 қувурлар 14 ёрдамида камерадан чиқарилади. Бир хил иссиқлик оқимини таъминлаш мақсадида камерада ҳаво циркуляцияси учун вентилятор 16 ишлайди.

Тагликлар орасидаги иссиқлик агентнинг тақрорий айланиши хомашёнинг камера бўйлаб бир маъромда исишини таъминлайди. Қуритиш жараёнида иссиқ агент терможуфтлик ёрдамида бошқарилади ва ҳаво оқимининг белгиланган ҳароратда хомашёни ҳаддан ташқари қизиб кетишига йўл қўйилмайди (16-расм).

Шундай қилиб, тавсия этилаётган қурилманинг афзаллиги шундаки, ушбу қурилмадан фойдаланиш, қуритиш жараёнидан яқунлангандан сўнг таркибида биофаол моддаларни ва дастлабки фойдали хусусиятларга сақлаб қолган ҳолда қуритилган маҳсулот олиш, шунингдек, маҳсулотларнинг паст ҳароратли сувсизланиши якуний маҳсулотларнинг фойдали биофаол моддаларини максимал даражада сақлаб қолиш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Чизикли бўлмаган регрессия таҳлили натижасида қуритиш ҳавоси 65 °С ҳароратида Мидилли моделидаги экспериментал маълумотларга энг яқин ҳисобланган намлик қийматлари берилганлиги исботланди. Ушбу натижага кўра, қовокнинг қуритиш кинетикасини аниқлаш учун энг яхши модел Мидилли модели эканлиги аниқланди.

2. Самарали диффузия коэффиенти ҳаво ҳарорати 45, 55 ва 65 °С бўлган қийматларда аниқланган ва ҳаво оқими тезликлари мос равишда қуритиш ҳавосининг ҳарорати самарали диффузия коэффиенти параметрлари аниқланди.

3. Энергия активлиги – кимёвий реакция содир бўлиши учун енгиб ўтиш лозим бўлган энергия миқдори сифатида тавсифланади. Қовокнинг энергия активлиги $\ln(D_{эфф.})-1/T$ соҳасининг қиялигидан фойдаланган ҳолда 61,1 кДж/мол деб ҳисобланди.

4. Маҳсулотдаги қисқариш коэффиенти қуритиш ҳавоси ҳароратининг ошиши билан мос равишда ортиши аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, қуритиш вақтида маҳсулотдаги намлик ва ҳароратнинг тақсимланишини тахмин қилиш учун бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва масса алмашинувини ифодаловчи математик моделдан фойдаланилди.

5. Қуритиш жараёнига турли параметрларнинг таъсири уч хил тезлик (0,5, 0,7, 1,0 м/с) ҳамда уч хил ҳарорат (45, 55, 65 °С) билан боғлиқлиги исботланди.

6. Қовоқни қуритиш учун мақбул параметрлар қуйидагилар эканлиги исботланди: қуритиш вақти - 360 минут, қуритиш ҳарорати - 65 °С, ҳаво тезлиги - 1 м/с, геометрик шакли - квадрат, дастлабки намлик - 72%, якуний намлик - 12-14%.

7. Математик таҳлил ёрдамида қуритиш параметрларидан (қуритиш ҳавосининг тезлиги, ҳарорат ва намлик) фойдаланиб, қуритиш мосламасининг оптимал параметрларини ҳисоблаш тажрибада исботланди.

8. Қовоқни қуритиш техникаси ва технологияси бўйича диссертация тадқиқоти ва тавсиялари «Sunny Land Products» МЧЖ корхонасида амалга оширилди (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2023-йил 17-ноябрдаги 17-98/11-23-сон маълумотномаси). Қуритиш жараёнини қўллаш натижасида йилига ўртача умумий иқтисодий самарадорлик 305 186 000 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ПОНАСЕНКО АНДРЕЙ СВЯТОСЛАВОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНВЕКТИВНОЙ УСТАНОВКИ И
ПРОЦЕССА СУШКИ ТЫКВЫ**

**02.00.16 - Процессы и аппараты химических технологий и пищевых производств
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2023.3.PhD/T3840.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Сафаров Жасур Эсиргапович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Маннанов Улутбек Васикович
доктор технических наук, профессор

Курбанов Жамшед Мажидович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «12» 03 2024 г. в «14⁰⁰» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 772 которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре: (Адрес: 100011, Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «2» 03 2024 года.
(протокол рассылки № 412 от «2» 03 2024 г.).



С.М.Турабджонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

Х.И.Кодиров
Учёный секретарь научного совета по
присуждению, учёных степеней,
д.х.н., доцент

К.П.Серкаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире экологические изменения, которые наблюдаются в глобальном масштабе, оказывают негативное влияние на качество и объем сельскохозяйственной продукции. Увеличение численности населения планеты приводит к росту спроса на продукты питания. В связи с этим большое значение приобретает разработка методов сушки, направленных на получение высококачественных, функциональных продуктов путем совершенствования технических средств и технологий сушки пищевых продуктов.

В мире ведутся научные исследования по оптимизации техники и технологии сушки с использованием теплового потока. В связи с этим большое внимание уделяется разработке энергосберегающей сушильной установки, математическому моделированию процессов сушки, сохраняющих биоактивные вещества в продукте при переработке, получению высококачественных продуктов путем изучения методов сушки сырья, теплообменных процессов с учетом чувствительности продуктов к теплу.

Республика Узбекистан уделяет особое внимание выращиванию сельскохозяйственной продукции и эффективному развитию перерабатывающей промышленности, высококачественной переработке сельскохозяйственной продукции, производству импортозамещающей пищевой и фармацевтической продукции, в результате чего достигаются определенные научные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусматривает “Углубление структурных реформ и последовательное развитие перерабатывающих мощностей сельского хозяйства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой, высококачественной продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора”. В этой связи важна эффективность процесса конвективной сушки, сокращение времени сушки и снижение энергозатрат, исследование математических моделей связи между диффузией и теплопроводностью, передача тепла и влаги в процессе сушки, оптимизация техники и технологий с внедрением производства для получения качества высушенных продуктов.

Настоящее диссертационное исследование служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»¹, в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года ПП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», 29 июля 2019 г. № ПП-4406 «О дополнительных мерах по глубокой переработке сельхозпродукции и дальнейшему развитию пищевой промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

¹ Мирзиёев Ш.М. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы». Электронный источник: <https://lex.uz/uz/docs/5841077>.

Связь диссертации с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Результаты обзора литературы показывают, что большое внимание учёными уделялось разработке установки и моделированию процесса сушки сельхозпродукции, в т.ч. переработки тыквы. В частности, Г.А.Химич, И.В.Ерин, С.Б.Попова, А.Я.Хлебородов, И.Б.Развязная, Л.Хлеборобов, А.С.Данилюк, R.M.P.Gutierrez, C.A.Cole, A.Jungbauer, K.Sacilik, I.Doymaz, A.Midilli, M.J.Varrosa проводили научные исследования, по разработке устройства, моделированию и усовершенствованию процессов сушки для производства продуктов с необходимым биоактивным качеством: А.В.Лыков, А.С.Гинзбург, В.В.Кафаров, Б.С.Сажин, П.А.Ребиндер, Б.М.Касымбаев, О.С.Натареев, А.В.Нестеров, П.Д.Лебедев, С.Г.Ильясов, И.Б.Левитин, занимались исследованиями, направленными на разработку теории процесса сушки, на изучение влияния теплового потока в процессе сушки. Узбекские ученые Н.Р.Юсупбеков, З.С.Салимов, А.Ф.Сафаров, Ж.М.Курбанов, А.А.Артиков, Х.С.Нурмухамедов, К.О.Додаев, К.Т.Норкулова, Х.Ф.Джураев и др. проводили результативные исследования по совершенствованию процессов и аппаратов в пищевой промышленности, в результате ими были разработаны эффективные технологии.

Наряду с этим, ученые мирового сообщества ведут активные изыскания в приоритетных направлениях по совершенствованию технологий и оборудования сушки, математическому моделированию технологий сушки, процессов сушки продуктов, разработке методов сушки, учитывающих сохранение биологически активных веществ, содержащихся в сырье. Однако, разработка энергосберегающей сушильной установки путём математического моделирования процесса диффузии в технологии конвективной сушки тыквы в достаточной степени не проводилась.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планами научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова в рамках научно-фундаментального проекта IL-5421101760 – «Развитие теории методов сохранения биологически активных веществ в составе пищевых и фармацевтических продуктов с помощью управления тепло- и массо обменными процессами в технологии сушки» (2023-2027 гг).

Целью исследования является совершенствование конвективной установки и процесса сушки тыквы.

Задачи исследования:

исследование одновременной передачи импульса, энергии и массы при испарении воды из твёрдого тела в потоки горячего воздуха;

определение оптимальных параметров сушки тыквы и расчёт оптимальных параметров сушильной установки по скорости, температуре и влажности сушильного воздуха с помощью математического анализа;

